



O'ZBEKISTON OVOZI

Маҳаллаларнинг вазифалари кўриб чиқилди

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини янада мустақамлаш долзарб аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси бошқаруvinинг ййгилишида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган эътибор самаралари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ййлида жамғарма олдида турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизми ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган улкан эътибор ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Хусусан, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустақамлашда маҳалланинги ўрни бекиёс. Ушбу йўналишда «Маҳалла» жамғармаси томонидан 2010 йил давомида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирларда 17 миллион нафардан зиёд аҳоли қамраб олинди. Ёш авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашга бағишланган кўплаб учрашув, даяра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди.

Жамғарма фаолиятида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари, фуқаролар ййинлари фаолиятига оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини маҳаллаларда кенг тарғиб қилиш муҳим ўрин тутди. Утган ййли маҳаллаларда бу борада ўтказилган учрашув, семинар ва бошқа тадбирларда минглаб фуқаролар

иштирок этди.

Фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий фаолигини таъминлашда маҳалланинги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу мақсадда одам савдосига қарши курашиш бўйича жойларда тузилган 8 мингдан ортиқ жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу йўналишда ташкил этилган тадбирларда 710 мингдан зиёд аҳоли, жумладан, ёшлар иштирок этди. Худудий бўлим ва бўлималар, фуқаролар ййинлари томонидан одам савдоси қурбони бўлган фуқароларга турли кўмак берилди. Ёшларда терроризм, диний экстремизм, ҳар хил маънавий таҳдидларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам олиб борилаётди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2010 йилда маҳалла фуқаролар ййинлари кўмаги билан 2 минг 845 нафар киши ўқув курсларига юборилди, 7 минг 458 фуқаро ишга жойлашди.

Ёш авлоднинг турли гоёвий таҳдидлар ва «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоя қилишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Мазкур мавзуда ўтказилган даяра суҳбатлари ва семинарларда бир миллион нафардан зиёд аҳоли иштирок этгани ҳам бунни тасдиқлаб турибди.

Маҳаллалар худудларида болалар спорт майдончаларини ташкил этиш ва таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. 2010 йилда мазкур мақсадлар учун жамғарма томонидан 95 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ййгилишда маҳалланинги аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдаги иштирокига оид вазифалар белгилаб олинди.

(ЎЗА)

ЎЗХДП: электорат манфаати



Замонавий технологиялар асосида

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Бордонқўл қишлоғида фаолият юритаётган «Uz Germed Pharm» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида икки хил ампулалари — 0,5 фоизли «Новокаин» ҳамда 10 фоизли «Кальций глюконат» дори воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Замонавий технология асосида иш олиб бораётган бу корхонада кўплаб юксак малакали олим ва мутахассислар билан бирга, тиббиёт коллежаларини тамомлаб келган ўттиздан ортиқ ййигит-қиз меҳнат қилмоқда.



Суратларда: корхона сифат назорати бўлими бошлиғи Саидзим Икромов, микробиолог Мадина Асманова ва кимёгар Венера Абдураҳимова; оператор Сержон Сафаров иш устида.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) оғлан суратлар.

Эътироф

Ўзбекистон танланган ислохотларнинг самарали моделини бошқа мамлакатлар ҳам муваффақиятли қўллаши мумкин. Президент Ислам Каримовнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилини амалга оширишда ва мамлакатининг янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Демократлаштириш соҳасида Ўзбекистоннинг тажрибасини янада батафсил ўрганиш ва кенг жорий этиш зарур.

Кларк ПЛЕКСИКО,
Миллий демократик институтнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори (АҚШ)

Янгиликлар

Паралимпиячилар

Янги Зеландияга йўл олишади

Янги ййлини янги режалар билан бошлаган Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси айни пайтда Янги Зеландиянинг Крайстегр шаҳрида 22-31 январь кунлари бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида тайёргарлик қилмоқда.

— Мазкур мусобақа 2012 йил Лондонда ўтказиладиган Паралимпия ййинларига лицензия берувчи тадбирлардан бирдир, — дейди Республика Миллий Паралимпия Ассоциацияси матбуот котиби Дилфуза Каримова. — Унда тўрт иштирокчимиз мураббийи Анна Қозоқова раҳбарлигида спортнинг энгил атлетика тури бўйича қатнашади. Ҳозир Ассоциация томонидан вилоят филиалларига спорт ускуналари топширилмоқда. Шу кунгача Наманган, Жиззах, Навоий, Андижон, Бухоро ва Тошкент шаҳарларига махсус спорт анжумалари, жиҳозлар ва кийимлар юборилди. Мақсадимиз, Лондонда бўлиб ўтадиган халқаро Паралимпия ййинларида муносиб иштирок этишидир.

«Туркистон-пресс»

Хайрли ташаббус

Жиззах вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг 20 ййлиги байрамига тайёргарлик доирасида шаҳар ва қишлоқларда «20 ййилликка — 20 тулдан кўчат» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланди.

Вилоят марказидаги «Олмазор» маҳалласи аҳли худудда 200 тул арча кўчати ўтказди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар ййини тасарруфидаги 6 гектарлик богда дарахларга шакл бериш, янги ниҳоллар экиш ишлари бажарилди.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2010 ййил декабрь ойи охирида бўлиб ўтган сессиясида депутатлар ташаббуси билан вилоят фаолларининг Мустақиллигимизнинг 20 ййиллигини барча соҳаларда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш, шу жумладан, аҳоли пунктлари ҳамда жамоат жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳар бир фуқаро ҳисобига 20 тулдан кўчат экиш тўғрисида аҳолига мурожаати қабул қилинган эди. Айни кунларда ушбу мурожаат асосида кўчат экиш, бог яратиш ишлари изчил давом этмоқда.

(ЎЗА)

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Вилоят ХУДОЙБЕРДИЕВА,

Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар ййини раиси, ЎЗХДП фаоли:



— Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар энг аввало маҳаллалар ҳаётида ўз аксини топтоқда. Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш маҳалла институтини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга деб ўйлайман.

Концепцияда таклиф этилган қонунлар лойиҳалари устида ишлаш чоғида депутатларнинг маҳалла билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур деб ҳисоблайман. Сабаби, бизда ҳам амалий таклифлар бор. Қолаверса, қонунлар лойиҳалари бўйича депутатларнинг айнан маҳалланинги ўзида учрашувлар ва суҳбатлар ташкил этиши ҳужжатнинг пишиқ бўлишини таъминлайди, келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни қонун орқали ўз вақтида

ҳал этиш имконини туғдиради.

Бундан ташқари, маҳаллани кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишининг ҳақиқий марказига айлантириш ҳам бу борадаги ҳуқуқ ва ваколатлар қонунда қай даражада мустақамлангани билан боғлиқ. Айниқса, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги ҳамда тегишли қонунлар лойиҳалари муҳокама-си жараёнида маҳаллалар фаолларининг беvosита иштироки долзарб аҳамиятга эга.

Хушxabар

Ришод яна шоҳсупада!

Дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров янги мавсумдаги дастлабки ғалабасига эришди.



Ришод ҳал қилувчи беллашувда ҳам россиялик Арсен Галстян устидан зафар кучди ва олтин медалини қўлга киритди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда қирқдан зиёд мамлакатдан келган икки юз нафардан ортиқ спортчи куч синашди. Мусобақаларда жаҳон рейтингидан ўз вази тоифаси бўйича юқори ўринларни эгаллаб турган дзюдочилар 2012 ййли Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ййинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи рейтинг очколари учун курашди.

Амалдаги жаҳон чемпиони, Осиё ййинлари голиби ва дунё рейтингидан пешқадамлик қилаётган ҳамюртимиз Ришод Собиров яна бир карра ўз маҳоратини намойиш қилди. Моҳир дзюдочимиз мўғулистонлик Ганбат Богдбаатар, грузиялик Амиран Папнашвили ва россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Сиёсат

«Қоғоздаги режалар қачон бажарилади?»

⇒ 2

Иқтисодиёт ва ислохот

Модернизация — тараққиёт омили

⇒ 3

Интернет суҳбат

«Биз бугун буюк мақсадлар билан яшашимиз керак»

⇒ 4

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 18 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМЯТИ

1 Австралия доллари	1625,66	1 Миср фунти	284,14	1 СДР	2548,61	10 Жанубий Корея вони	14,78
1 Англия фунт стерлинги	2610,98	1 Канада доллари	1666,91	1 Туркия лираси	1062,85	10 Япония иенаси	198,77
1 БАА дирхами	448,53	1 Хитой юани	249,90	1 Швейцария франки	1708,58	1 Россия рубли	55,00
1 АҚШ доллари	1647,41	1 Малайзия ринггити	539,16	1 Евро	2150,47	1 Украина гривнаси	207,14

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

Қонун ижроси қониқарлими?

«Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2002 йилда қабул қилинган. 2003 ҳамда 2007 йилларда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Хўш, бугун мазкур қонун ижроси қай аҳволда? Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида шу масала муҳокама қилинди.



Депутатлар таъкидлашдики, шаҳар «Ободонлаштириш» унитар корхонаси, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва шу каби мутасадди идора ва ташкилотлар қатори маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусий тадбиркорлар ҳам қонун ижроси борасида маълум сусткашлик, эътиборсизлик ва ўзи-ўларчилиққа йўл қўйишмоқда. Жойлардан чиқиндини олиб кетиш, бунда қатъий тартибга риоя қилиш, Қонуннинг ижроси депутатлик назоратини талаб этаётгани ҳақида Наманган шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Илҳомиддин Ботиров ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Маҳалла ўз транспортга эга. Муқаддам шаҳарда «Санавтокорхона» фаолият юритар эди. Ҳозир мазкур корхона «Ободонлаштириш» унитар корхонасига қўшиб юборилган. Ҳаракатдаги 20 та «Исузу» махсус автотранспорт воситаси 4 тонна миайий чиқиндини олиш имкониятига эга. Қурилиш чиқиндиларининг ортиб бораётгани «Исузу»ларни муддатидан олдин яроқсиз ҳолга олиб келиши мумкин, бу депутатлар ташвишига сабаб бўлди.

Айрим ҳудудларга узок вақтдан бундан махсус транспорт юборилмаган. Натижада у ердаги аҳоли миайий чиқиндиларни дуч келган жойга, айниқса, марказий кўчалар четларига ташлаб кетиши оддий ҳолга айланган. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги чиқиндилар назоратчисига тушумнинг 10 фоизи миқдоридан (ўртача 50 000 сўм) ойна маош туланади. Натижада аксарият жойларда мазкур шtat бўш турибди... Депутатлар Анваржон Насриддинов, Олимжон Ҳасанов, Аҳмаджон Содиков, Дилфузахон Каримова, Зоҳиджон Бузруков ва Сайловиддин Аскаралiev юқоридаги каби жиддий масалаларга тўхталаркан, мазкур Қонун ижросини ўрганиши ва унга қатъий амал қилиш Президентимизнинг «Наманган

шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижроси учун ҳам гоят муҳим эканини таъкидлашди. Шунингдек, бу Қонуннинг ижроси аҳоли саломатлиги, экологик муҳитнинг софлиги, шаҳарнинг озодлиги, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан бевоҳида боғлиқлигини унутмаслик зарур. Депутатлар масала юзасидан батафсил фикр алмашиб, Қонун ижросини назорат қилиш учун махсус ишчи гуруҳи тузишди, шунингдек, «Саволнома» ишлаб чиқишди. Депутатлик гуруҳи мазкур масалани халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритишни келишиб олди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан Наманган шаҳрини янада обод қилиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш борасида жуда катта ишлар қилинмоқда. Натижада гуллар шаҳри бутунлай ўзгарди, янгица қиёфа касб этди. Аммо эътиборсизлик оқибатида баъзи муаммолар юзага келмоқда. Шаҳар ҳудудидан 81 та маҳалла мавжуд. Уларнинг кўпчилигида чиқинди билан боғлиқ муаммо бўлиб, бу ҳар қандай кишини ташвишлантиради. Шу боис бу ҳақдаги қонуннинг ижроси билан боғлиқ масалани атрофлича кўриб чиқиш тўғрисидаги ЎзХДП депутатлари ташаббусини шаҳар жамоатчилиги кўллаб-қувватламоқда. — Маҳалламизда 8000 га яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Бахромов. — 6 та кўча бор. Чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетилмаслиги одамларнинг таъбини хира қилади. У кўча ҳуснига доғ бўлиб туради. Шу боис фуқаролардан кўп шикоят туш-

моқда. Наманган шаҳар «Ободонлаштириш» корхонаси билан тузилган шартнома амал қилинишини йўлга қўлмайди. Бу ҳолат чиқиндилар олиб кетилиши учун тўловларни йиғишда муаммо туғдирмоқда. Чунки чиқинди вақтида олиб кетилмагач, айрим кўчаларда фуқароларнинг ўзлари транспорт ёллаб, ҳашар йўли билан уни чиқариб ташлашга мажбур бўлишяпти. — Бу борада фақат бир томонни айблаш нотўғри, — дейди «Янги ривожия» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тохиржон Эгамбердиев. — Қайсидир маънода бизнинг ҳам камчиликлари бор. Шартномавий мажбуриятлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини қатъий билан олиб бориш зарур эди. Биз бу масалани ечишда мутасадди ташкилотларга қўлимиздан келганча ёрдам беришга тайёрмиз, фақат ҳамкорлик керак. Бундан шаҳар обод бўлади, барчамиз манфаат кўрамыз. Кўпчиликнинг фикрини тинглаб, яна бир бор амин бўлдики, шаҳарда ҳақиқатан ҳам бу борада муаммо етарли. Партиямиз депутатлари долзарб масалани кўтармоқда. Энди депутатлар, тегишли ташкилотлар масаланинг оқилона ечимини топишга кўпчилик умид қилмоқда. Агар барча бирлашиб ҳаракат қилса, бири-бирига ўзаро кўмаклашса, муаммо албатта ҳал бўлади.

НОСИР АКА ДЕКХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ватан ҳимояси — олий шараф

«Сен, мен, барчамиз — эл-юрт тинчлигига масъулмиз»

Умрини Ватан тинчлигини ҳимоя қилишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашганда ватанпарварлик туйғусини янада чуқурроқ англайсиз, бугунги оқошга, тинч кунларимиз қадрига кўпроқ етасиз. «Жасорат» медали соҳиби, ҳарбий қисм штаб бошлиғи, майор Носир АРТИҚОВ билан суҳбатлашар эканман ана шундай ҳис-туйғулар ҳаёлимдан ўтди.

— Носир ака, аввало сизни яна бир бор табриклиймиз. Эл-юрт олдидаги хизматларингиз юксак баҳолашиб, «Жасорат» медали билан тақдирлангансиз. Шу ҳақдаги хушxabарни биринчи бўлиб кимдан эшитгансиз, ўша вақтда қалбингиздан қандай ўй-фикрлар кечган?

— Очигини айтганда, менинг камтарона хизматларим юқори баҳоланади, деб сира кутмагандим. Эгнимга ҳарбий либосни кийган кунимдан она Ватанга фақат сизидилдан қандай кераклигини тушуниб етганман. Онадек меҳрибон Ватандан хизмат эвазига бирор нарса таъма қилинмайди. Мен буни тасаввуримга сиғдиролмайман. Юксак мукофотга лойиқ кўрилганим ҳақидаги хабарни эса қисм командири, подполковник Шўхрат Дадажоновдан эшитдим. Ушанда кўз ўнгимда онам сиймосида Ватаним, Ватан тимсолида онам гавдаланди. Она Ватан билан хаёлан суҳбатлашдим. Гўё онам, Ватаним муқаддас бурчини чин юракдан адо этаётган бир фарзанднинг бошини меҳр билан силлаб қўйди, деб тушунидим.

— Мамлакатимизда кенг нишонланадиган Ватан ҳимоячилари кунини оилангизда қандай байрам қиласиз?

— Аслида бу кун мен учун нафақат байрам, балки Ватан олдидаги хизматларимни йиллик қисобот кўни ҳам. Олдимга қандай мақсадларни қўйганим, қайси бирига йўнгурилдим. Кейинги шу санагача нималар қилишим кераклиги ҳақида ўйлайман, режалар тузман. Оиламизда бу кунга катта тайёргарлик кўрилади. Улар менга сездирмасдан кутилмаган совғалар тайёрлаб, кўнглимни кўтарашга ҳаракат қилишади.

Дастурхон атрофида ҳаммамиз йиғилганда фарзандларимга Ватанимизни ҳимоя қилган мард аждодларимиз, замондош сафдошларим кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида гапириб бераман.

— Армиянинг куч-қудратини ҳар бир зобит-аскарга боғлик. Сиз ҳарбий қудратимизни янада ошириб бериш учун нималарга эътибор қаратяпсиз?

— Мақсадим — миллий армиямиз сафарига ватанпарвар, мард, сергак ва эйрақ, ҳар жиҳатдан етуқ бўлган ҳарбий хизматчиларни тарбиялашга ўз ҳиссамни қўишим. Бунинг учун янада кўпроқ изланишим, ўқишим, тажриба ва малакамни мунтазам ошириб боришим керак.

— Бугун ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилган йигитларимиз кўплаб топилди. Уларга қандай тилаклар билдирасиз?

— Ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилаётган ватанпарвар йигитларимизнинг сафи кенгайиб бораётганлиги мени қувонтиради. Мен ҳарбий хизматга келган укаларимга доимо бир гапни айтман: «Ватанга сизидилдан хизмат қилинг. Унутманг, ҳимоямизда онамиз — Ватанимиз турибди. Сен, мен, барчамиз — эл-юрт тинчлигига, овоз ва ободлигига масъулмиз». Албатта, Ватан олдида ҳарбий хизмат қилишда муқаддас бурчини адо этиш учун соғлом, баркамол бўлиши керак. Шу боис ёшларимиз жисмоний, маънавий ва руҳий тайёргарликка кўпроқ эътибор беришимиз. Зеро, Ватанимиз хавфсизлиги, тинчлигини таъминлаш ҳам, буюк келаганини қуриш ҳам соғлом, баркамол авлодга боғлиқдир.

Абдуллоҳ МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Қоғоздаги режалар қачон бажарилади?»

Газетамизнинг 2010 йил 2 декабрь сонидан шундай сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Бўка туман партия кенгаши фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, айниқса, Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этувчилар вақт ўтган сари камайиб бораётгани, кўтарилган муаммолар юзасидан чоралар кўрилмаётгани танқид қилинган. Туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи эса астойдил ишламаётгани, сессияларда кўрилган масалалар юзасидан бирон-бир жиддий позициясини ишлаб чиқмагани қайд этилган эди.

«Мазкур мақола эълон қилинганидан сўнг Тошкент вилоят партия кенгаши ишчи гуруҳи ташкил этди. Унинг зиммасига Бўка туман партия кенгашида юзага келган аҳолини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш вазифаси юклатилди. Ишчи гуруҳи бир ой давомида туманда партиявий ишларни жонлантириш, депутатлик гуруҳи фаолиятини кучайтириш бўйича иш олиб борди. Вилоят партия кенгаши ижроия кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган кенгайитрилган йиғилишида ишчи гуруҳи фа-

олиятининг яқунлари кўриб чиқилди. Таъкидлаш керакки, мақолада Бўка туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Расуловнинг иш жараёнида йўл қўйган хато ва камчиликлари тўғри танқид қилинган. Ҳақиқатан ҳам, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, тумандаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш борасида ташаббус ва қатъият кўрсатмаган. Шунингдек, қонунлар, Президент

фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиши, аҳоли вакиллари билан тушган таклиф ва танқидий мулоҳазалар асосида тегишли идораларга мурожаат этиб, масалаларни ҳал қилиш бўйича фаоллик кўрсатиши зарур эди.

Ишчи гуруҳи Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини тўғри ташкил этиш бўйича ҳам туман партия кенгашига кўмаклашди. Тегишли чоралар кўрилиб, мурожаатлар кўтарилаётган масалаларни ҳал этиш ишлари қатъий назоратга олинди.

Бўка туман партия кенгаши ижроия кўмитаси ва туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилиши ўтказилиб, унда танқид қилинган масалалар муҳокама этилди. Партия ташкилотини кучайтириш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди. Депутатлик гуруҳи ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда амалий иштирок этиши, ташаббус кўрсатиши лозимлиги таъкидланди ва бу борада аниқ вазифалар белгилан олди.

Вилоят партия кенгаши ижроия кўмитасининг йиғилишида тегишли қарор қабул қилинди. Унга кўра, туман партия ташкилотини, депутатлик гуруҳини олдидаги электорат манфаати билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, ташаббус кўрсатиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Туман партия кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Расуловга оғохлантириш берилди. Шунингдек, вилоятдаги барча партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш, партия Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада қўшимча чоралар кўриш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Ижроия кўмита маълум муддатдан кейин бу масалага яна қайтиши ва қўйилган вазифалар ижросини муҳокама этиб бориши белгилан қўйилди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов»



Хорижда

Ота-онадан хабар олинг, акс ҳолда...

Хитойда Конфуций маслагига кўра ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари кенг жамоатчилик мунозарасига сабаб бўлмоқда.

Кунни кеча мамлакатда янги қонун кучга кирди. Унга кўра, хитойлик фуқаро ўзини дунёга келтирган ота-онасидан хабар олиши шарт. Акс ҳолда, каттагина жарима тўлашга мажбур бўлади. Агар жарима ҳам ёрдам бермаса, бефарқлиги учун узок йилга қамалиши мумкин.



Вазият издан чиқди



Тунисдаги тартибсизлик янада авж олиб, вазият издан чиқиб кетди.

Муҳолифат билан амалдаги ҳукумат тарафдорлари ўртасидаги тўқнашуларда асосан тинч аҳоли қурбон бўлаёттир. Президент мамлакатни ташлаб қочганига бир неча кун бўлди. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, мамлакатнинг собиқ раҳбари бир ярим тоннадан ортиқ олтин (умумий қиймати 45 миллион евро)ни олиб кетган ва Саудия Арабистонидан бошпана топган.

Ишсизликка қарши намойиш

Мисрлик ёш фуқаро Қоҳирадаги парламент биноси олдида мамлакатда ҳукм сураётган ишсизликка қарши норозилик сифатида ўзага ўт қўйган.

Атрофдагилар аланга ичидаги йиғитни қўтаришга улгурган. У айни пайтда шифохонада, аҳоли оғир.



Автобус портлатилди

Покистон шимоли-ғарбида жойлашган Қоҳат шаҳрида кўпоруқчилар микроавтобусини портлатиб юборди.

Натижада 17 нафар йўловчи қурбон бўлди. Айни пайтда жабрланганлар шахсини аниқлаш давом этмоқда. Маълумотларга кўра, автобусда ўрнатилган бомбанинг қуввати тротил эквивалентига 10 килограммни ташкил этган.

Поездлар қатнови тўхтади

Японияда темир йўл тизимини бошқарувчи сервер компьютернинг ишдан чиқиши оқибатида электропоездлар қатнови уч соатга тўхтаб қолди.

Пойтахт Токиони Хонсо саноат ороли билан боғловчи темир йўл тизимида ҳам қатнов издан чиқди. Бунга компьютердаги носозлик эмас, балки Хонсо оролига ёққан қалин қор сабаб бўлди. Табиатшунослар «Орол тарихидаги энг кучли қор ёғиши», деб баҳолаётган бу ғайритаъбий ҳодисадан оддий аҳоли кўпроқ жабр кўрмоқда.

Мегаполис энг кўп зарар кўрди

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри табиий офатдан энг кўп зарар кўрган мегаполислардан биридир.

Сув тошқинлари туфайли бошланасидан айрилганлар сони 15 мингдан ортиди, лойқалар ичидан ҳозиргача 650 нафардан ортиқ кишининг жасади топилди. Шу муносабат билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.



◆ Интернет суҳбат

«Биз бугун буюк мақсадлар билан яшашимиз керак»

■ Наргиза Илҳомова 1990 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети хорижий филология факультетининг 3-курс талабаси. Айни вақтда Германиянинг Мюнстер шаҳридаги Вилгелм Вестфал университетда таълим олмоқда.

— Отам Тошкент халқаро аэропортида бўлим бошлиғи, онам 51-оилавий поликлиникада кўз шифокори, катта опам журналист, акам ЎзРФА тарих институтида илмий тадқиқотчи бўлиб ишлади, — дейди Наргиза. — Поиттахимиздаги 302-мактаби тугатганман. Биринчи синфда Мавлуда Собирова ўқитган. Адабиёт, тарих, инглиз тили фанларига қизиқман. 9-синфни битириб, ЎзМУ қошидаги академик лицейда таълим олдим. У ерда инглиз тили, иккинчи тил сифатида немис тили ўргатиларди. Ушанда менда бу тилга нисбатан қизиқиш уйғонди. Кейин Тошкентдаги Гёте институти тил ўрганиш курсларида немис тилини ўргандим.

— Германияга бориш имконияти қандай пайдо бўлди?

— Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан истеъдодли талабалар учун таъсис этилган Сумитомо стипендиясини кўлга киритганман. Ўзбекистон миллий университети билан Германиядаги мен ўқиётган университет ўртасида илмий алоқалар ўрнатилган. Ҳамкорлик шартномаси тузилган. Унга биноан ҳар йили икки нафар талаба Германияга беш ой муддатга ўқишга юборилади. Мана шундай имконият менга ҳам насиб этди.

— Немис халқи сизда қандай таассурот қолдирди? Улар Ўзбекистон ҳақида нималарни билишди?

— Уларни жуда ҳурмат қиламан. Масыулиятли, маданиятли халқ. Ҳамма нарсани қонун-қоида бўйича қилишади. Дўкондаги сотувчилар, кўчадаги йўловчилар ҳам хушмуомала. Улардан кўп нарса ўргандим. Лекин ёшлари бошқачароқ, ишлари жуда ҳам кўп. Баъзан суҳбатлашишга ҳам вақт тополмайди.

Ақсарият география, тарих фа-

ни ўқитувчилари Орол денгизи фожиаси, ушбу глобал экологик муаммо ҳақида афсус-надомат билан гапиришади. Мен ҳам уларга Ўзбекистон ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қиламан.

Немислар мени кўпинча саволларга кўмиб ташлашади. Уларга умуман бегона бўлган халқ менталитети ҳақида билиш анчайин қизиқ эканлиги табиий. Жаннатмакон дийри-мизни кўришни, тарихий обидаларимизни зиёрат қилишни озу қилишади.

Ўзбекистонда бўлган немислар халқимизни жуда ҳурмат қилишади. Бизни меҳмондўст-лигимиз ҳақида гапиришади. Ўзаро суҳбатларимиз давомида улар томонидан айрилган бир гап мени хурсанд қилади «Ўзбекистон айни пайтда жадаллик билан ривожланаётган давлат. Истардикки, ҳар қанақа ҳолатда ҳам менталитетингиз ўзгармасин. Очик-кўнгиллик ва меҳмондўстлик каби миллий қадриятларингизни доимо сақлаб қолинглар».

— Келажакдаги орзуларингиз?

— Ўқишимни тугатганимдан сўнг Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида ишлаш ниятим бор. Дипломат бўлиш осон эмас. Буни яхши биламан. Лекин шу мақсад йўлида тинмай ҳаракат қилаётганман. Ҳозир кўпчилик дўстларим ҳам катта ютуқларни кўлга киритишмоқда. Изланишяпти, интилишмоқда. Янги-янги марраларни забт этишмоқда. Хоҳлардимки, улар ҳам Ўзбекистонимиз равнақи йўлида тер тўкса, меҳнат қилса, ўқиб изланса, Ватанимизни гуллаб-яшнаши, ривожланишида ўзини масъул деб билса. Бир сўз билан айтганда, биз бугун буюк мақсадлар билан яшашимиз керак.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АбъЗАМ суҳбатлашди.

Футбол



Ҳасан ПИРМУХАМЕДОВ олган сурат.

«Ғолиб чиқишни истасак, ҳар қандай рақибни мағлуб этишимиз керак»

■ Қатарда ўтаётган XV Осиё чемпионати баҳслари тобора ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда. Мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси чорак финал-га чиқди.

Дастлабки икки турда зафар кучган ҳамюртларимизга кейинги босқичга гуруҳ пешқадами сифатида йўл олишлари учун охириги ўйинда дуранг натижа ҳам етарли эди. Яқинда шундай ҳам бўлиб чиқди. Футболчиларимиз Хитой вакиллари билан бўлган учрашувда ўзлари учун зарур бўлган натижани қайд этишди — 2:2. Тўпларни ҳамюртларимиздан Одил Аҳмедов ҳамда Александр Гейнрих киритди. Учрашувдан сўнг, бош му-

рабий Вадим Абрамов терма жамоамизнинг чорак финал баҳсига ҳозирлиги хусусида тўхталар экан, куйидагича фикр билдирди. — Энди бу ёнғи ким билан ўйнашимизнинг фарқи йўқ. Агар биз мусобақада ғолиб чиқишни истасак, ҳар қандай рақибни мағлуб этишимиз шарт. Қолган барча учрашувларда зафар кучиш учун бор куч ва имкониятимизни ишга солашимиз. Чемпионатда муносиб иштирок этишлари учун йигитлари-



мизнинг руҳий ва жисмоний тайёргарликлари аъло даражада.

Гуруҳда иккинчи ўрин мезбонлар — Қатар терма жамоасига насиб қилди. Қатарликлар сўнгги турда Кувейт футболчилари дарвозасига

жавобсиз учта тўп йўллашди — 3:0.

Куръага кўра, «А» гуруҳи вакиллари «плей-офф» босқичида «В» гуруҳи иштирокчилари қарши майдонга тушадилар. Кеча ушбу гуруҳда ҳам кучлилар номига оидлик киритилди: Саудия Арабистони — Япония — 0:5, Иордания — Сурия — 2:1.

21 январь кuni ўтказиладиган чорак финал учрашувида Ўзбекистон — Иордания, Япония — Қатар терма жамоалари ўзаро рўбарў келишади.

Бугун бўлиб ўтадиган Жапония — Австралия — Бахрайн терма жамоалари баҳси билан «С» гуруҳи ўйинларига яқун ясалади.

(Ўз муҳбиримиз.)

МДҲ кубоги:

Бир мағлубият ва бир дуранг

■ Шу кунларда Санкт-Петербургда (Россия)да МДҲ ва Болтқубуи мамлакатлари чемпионлари ўртасида анъанавий халқаро турнир давом этмоқда.

Мусобақанинг «В» гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор» (Тошкент) жамоаси биринчи турда Кустанайнинг «Тобол» (Қозоғистон) футболчиларига имкониятни бой бергани — 1:2. Иккинчи учрашувда Рига-

нинг «Сконто» (Латвия) вакиллари қарши майдонга тушган бунёдкорчилар 1:1 ҳисобида дуранг уйнашди. Гуруҳдаги охириги тур баҳслари бугун бўлиб ўтади. Унда бунёдкорчилар Арманистоннинг «Мика» жамоаси билан куч синашади.

Эслатиб ўташимиз, «Бунёдкор»нинг етти нафар етакчи футболчилари айни пайтда Дохада давом этаётган Осиё чемпионатида мамлакатимиз бош жамоаси таркибида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Эркин ХОЛБОБО



Иқтисодиёт ва ислоҳот

Бўш пул маблағларини

банк омонатларига жалб қилиш бўйича танлов яқунланди

■ Куни кеча, Ўзбекистон банклари Ассоциациясида Республика тижорат банклари ўртасида 2010 йил яқунларига кўра аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича ўтказилган танлов яқунланди. Унда 31 та тижорат банки, 810 та филиаллар, 4000 га яқин мини-банк ва махсус кассалар иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари миллий ҳамда чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 400 дан ортиқ омонат турларини аҳолига таклиф этмоқда. 2010 йил яқунлари бўйича кредит ташиқлотларидаги аҳоли омонатларининг ҳажми 2009 йил яқунларига нисбатан 53 фоизга ошди.

Танлов натижаларига кўра ғолиблар сақизта асосий ва ўн битта қўшимча номинациялар бўйича аниқланди. Жумладан, аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки номинациясида биринчи ўрин Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига насиб этди.

Иккинчи ўринга «Асака» Давлат акциядорлик-тижорат банки лойиҳа деб топилди.

Учинчи ўринни эса «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки эгаллади.

Шунингдек, қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича энг яхши филиал номинациясида «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банкининг Китоб филиали ғолибликни кўлга киритди.

Шунингдек, Миллий банкнинг Денов ҳамда «Қишлоқ-қурилиш банк» очик акциядорлик-тижорат банкининг Бекобод филиаллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Танловнинг барча ғолибларига махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совринлар топширилди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОБ-ҲАВО 18-19.01. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	0°C	3°C
Самарқанд	5°C	10°C
Нукус	2°C	7°C
Қарши	7°C	12°C
Урганч	2°C	7°C
Навоий	2°C	7°C
Фарғона	2°C	7°C
Бухоро	2°C	7°C
Андижон	2°C	7°C
Наманган	2°C	7°C
Термиз	7°C	12°C
Жиззах	3°C	8°C
Гулистон	3°C	8°C
Тошкент вил.	-1°C	5°C
Лондон	6°C	2°C
Париж	7°C	13°C
Москва	-17°C	-13°C
Мадрид	7°C	6°C
Пекин	-10°C	-10°C
Гонгконг	11°C	13°C
Рим	7°C	5°C
Анкара	-1°C	0°C
Токио	3°C	2°C
Стокгольм	-5°C	-8°C
Кейптаун	15°C	15°C
Қоҳира	9°C	7°C
Гавана	17°C	18°C
Вашингтон	-1°C	2°C



ПРИГЛАШЕНИЕ НА КОНКУРС

Приглашение № NARBANK-2011/01_1

НАРОДНЫЙ БАНК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НАСТОЯЩИМ ОБЪЯВЛЯЕТ ОБ ОТКРЫТИИ КОНКУРСНЫХ ТОРГОВ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ДИСКОВОЙ СИСТЕМЫ ХРАНЕНИЯ ВЫЧИСЛИТЕЛЬНОГО КОМПЛЕКСА.

Полный набор конкурсных документов может быть приобретен любым заинтересованным правомочным участником при подаче письменной заявки по адресу, указанному ниже, после уплаты не возмещаемого взноса в размере 50 (пятьдесят) долларов США. Участники из Узбекистана, резиденты должны оплатить эквивалентную сумму в национальной валюте (сум) по курсу Центрального банка на день оплаты. Метод оплаты — банковский перевод с примечанием «Комиссионные сборы за тендерные документы № NARBANK-2011/01_1»:

► для резидентов на счет: 29896000500000883257, Код банка — 00883, Центральный операционный филиал Правления Народного банка;
► для нерезидентов — на корреспондентский счет Народного банка 21002840700000450019 в NBU, Tashkent, Uzbekistan (NBUFAUZ2X), с указанием счета Бенефициара 29896840300000883018, валютный счет для участия на тендере. Банк получателя — State Commercial People Bank (SCPEUZ22). После поступления взноса на счет Народного

банка документы могут быть получены лично представителем участника конкурса непосредственно в Народном банке по нижеуказанному адресу:
Народный банк Республики Узбекистан, Департамент Информационных технологий и расчетов, ул. Катартал, 46, 100096, Ташкент, Узбекистан, тел.: (998-71) 273-86-49, факс: (998-71) 150-12-94, email: info@halqbank.uz
Все конкурсные предложения должны быть представлены в Народный банк по выше указанному адресу не позднее 13.00 по местному

времени 04 февраля 2011 года.
ОСНОВНЫЕ УСЛОВИЯ КОНТРАКТА:
а) Оплата за систему будет осуществлена в долларах США;
б) Оплата за монтажные работы и установку будет осуществлена в национальной валюте — сумам;
в) Все поставляемые аппаратно-программные средства должны соответствовать международным стандартам, иметь сертификаты соответствия страны происхождения и сертификат Госстандарта Республики Узбекистан.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TANHIR HAY'ATI:

- | | | |
|----------------------|-----------------------------|-----------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Muslihidin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV | Tat'yana KISTANOVA | Andrey KUSTOV |
| Bobir ALIMOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Andrey KUSTOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | G'afvor HOTAMOV | Ochilboy RAMATOV |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV |

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 149 19432 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 20.50 Topshirilgan vaqti — 23.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Abdusalim MAHMUDOV**

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5